**Ислом КАРИМОВ:**

ХАВФСИЗ ДУНЁ — УМУМАН, БУТУН ИНСОНИЯТ УЧУН ҲАМ, ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН КУРАШДА ОЗМУНЧА НАЙЗАСИ СИНМАГАН ҲАР БИР ИНСОН УЧУН ҲАМ ОЛИЙ МАҚСАДДИР. БУГУНГИ КУНДА ЖАҲОНДАГИ КЎПГИНА МИНТАҚАЛАРДА ЮЗ БЕРАЁТГАН, ОДАМЛАРНИ ЭНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛАЁТГАН ҚОНЛИ ТЎҚНАШУВЛАР ТЎХТАТИЛМАС ЭКАН, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ СОҲАСИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ТЎҒРИСИДА ЖИДДИЙ ГАПИРИБ БЎЛМАЙДИ.


*Шу азиз Ватан — барчамизники*

# O'zbekiston ovozi

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI □ 2000 YIL 17 AVGUST PAYSHANBA № 94 (26.644)


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВГА

*Халқимиз учун ҳақиқий юртбоши бўлиб қолган ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!*

*Ушбу мактубни Сизга фарзанд доғида изтироб чекаётган ота-оналар йўлламоқда. Алпдек ўғлонларимиз Улуғбек Барноев, Сайёр Саъдинов, Маъруф Ражабов Ватан сарҳадларини экстремистлардан тозалашда қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Ана шундай оғир дамларда Сиздек фидойи юртбошимиз, вилоят ва туман ҳокимлари бутун халқимиз кўнгил сўради.*

*Биз фарзандларимиз Ватан мустақиллиги, эл тинчлиги учун жон фидо этганлиги, шаҳид кетганлиги билан ғурурланамиз. Уларни бутун Ўзбекистоннинг фарзанди, деб биламиз. Гарчи, изтироб, фарзанд доғи қалбимизни қийнаётган бўлса-да, бегуноҳ болаларимизнинг сизу бизнинг эртамиз учун қурбон бўлганлигидан таскин топади. Чегарамизни қўриқлаётган, босқинчиларга қарши борган ҳар бир йигит ана шундай йўл тутиши ҳам фарз, ҳам қарздир. Чунки биз мард, ботир, ватанпарвар, ғурурли фарзандларни тарбиялаб, вояга етказаяпмиз.*

*Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!*

*Сиз Ватанни севиш, халқни ҳурмат қилиш тимсолисиз. Оғир кунлардан сабот-матонат билан халқни фаровонликка олиб чиқаяпсиз. Жасорат ва қўрқмасликда ҳам барчага ибрат кўрсатаяпсиз. Ўзбекистон, ўзбек халқи обрўсини биз Сизнинг номингиз билан боғлаймиз. Ва ана шу обрўни ҳимоя қилишга ҳамиша тайёрмиз.*

*Биз уруш қурбонсиз бўлмаслигини яхши биламиз. Қолаверса, Ватан посбони тайёрлаш, қаҳрамон ўстириш ҳар бир ота-она учун катта бахтдир. Ўзбекистондаги ҳар битта ота-она Сизга ана шу гапни айта олади. Ўзингиз айтганингиздек, кўнглингизнинг тўқлиги, ғурурингиз ҳам халқимизнинг ана шу фазилатидандир.*

*Биз шундай қарорга келдик: гарчи фарзандларимиз ҳалок бўлган бўлса-да, улар билан фахрланамиз. Мабодо Ватан ҳимояси учун лозим бўлиб қолса, бошқа ўғилларимизни оқ фотиҳа билан чегарага жўнатишга тайёрмиз. Керак бўлса, қўлга қурол олиб, ўзимиз ҳам жангга кирамиз. Ватаннинг бир қаричи ҳам Ватан. Ким унга ёмон ният билан қадам қўяр экан, юртсевар халқимиздан ўз жазосини олади.*

**Ҳурмат билан**
**Самарқанд вилоятининг**
**Каттақўрғон шаҳридан Абдулла БАРНОЕВ,**
**Боғишамол туманидан Розия САЪДИНОВА,**
**Булунғур туманидан Аҳмад РАЖАБОВлар оиласи.**
2000 йил 15 август

# ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ

Мамлакатимизнинг ҳарбий тузилмалари Сурхондарё вилояти ҳудудига суқулиб кирган босқинчилар гуруҳларини йўқ қилиш борасида амалга оширилаётган операцияни муваффақиятли давом эттирмоқда.

Хабар қилинганидек, афсуски, ҳарбий хизматчиларимиз орасида ҳам қурбонлар бор. Қуйида террорчиларга қарши амалга оширилаётган мазкур операциянинг дастлабки кунларида бўлган фаол жанговор ҳаракатлар пайтида бедарак йўқолган ва кейинчалик ҳудудни босқинчилардан тозалаш пайтида жасадлари топилган жангчиларимизнинг исм-шарифлари эълон қилинмоқда. Ҳалок бўлганлар орасида, кўрилган чора-тадбирларга қарамай, ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмаган оғир ярадор жангчилар ҳам бор.



**Қаҳрамон Нишонбоевич МАДАЛИМОВ, старшина. 1972 йил Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида туғилган.**



**Юнус Носирович ОХУНОВ, кичик сержант. 1979 йил Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида туғилган.**



**Эломон Холмуродович ОТАЖОНОВ, катта сержант. 1978 йил Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида туғилган.**



**Дониёрбек Абдумуталибович ТОЖИБОЕВ, сержант. 1979 йил Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида туғилган.**



**Маҳмуджон Муминович ЖАЛИЛОВ, катта лейтенант. 1975 йил Андижон вилоятининг Избоскан туманида туғилган.**



**Ғофуржон Зоирович РАЖАБОВ, лейтенант. 1975 йил Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида туғилган.**



**Абдуҳалим Жумабоевич ТОШҚУЛОВ, кичик сержант. 1969 йил Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида туғилган.**

**Ватанимиз хавфсизлиги, сарҳадларимиз ҳимояси йўлида жон фидо этган жасур аскарларимизнинг номи халқимиз хотирасида абадий яшайди.**

**ЎзА**

**ВОҚЕА ЖОЙИДАН РЕПОРТАЖ**

# МАЛАЙЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудларига ўрнашиб олмоқчи бўлган террорчи гуруҳларга қарши жанглар давом этмоқда.

Денгиз сатҳидан 4 минг метр баландликда жойлашган Киштут дарасидамиз. Куни кеча бу ерда бўлган авиация ва артиллерия ҳужумларида ўнлаб ёвуз ниятли террорчилар йўқ қилинган эди. Дара ва унинг атрофидаги душман истеҳкомлари бомбардимон қилинди. Жангариларнинг қурол-аслаҳа, ўқ-дори омбори топилди.

— Террорчилар бутунлай талвасага тушиб қолишди, — дея фикр билдиради Тўлқин Хушвақтов. — Террорчи гуруҳларни қириб ташлаш учун аллақачон якуний босқичга киришилди. Уларнинг қолган-қутгани арчазор, ғор ва қалин дарахтзорларга қочиб, у ердан паноҳ топишга ҳаракат қилишмоқда. Лекин бунга йўл қўймаймиз. Уларни ер билан яксон қиламиз. Малайларга ўлим муқаррар. Улар ҳар томонлама қуршаб олинган, ҳеч қачон, ҳеч қаерга чиқиб кетишолмайди. Ҳарбийларимиз куну тун мардонавор жанг олиб боришмоқда. Маълумотларга қараганда, террорчилар радиотўлқин орқали ўз «ҳомийлари»га «Биз тамом бўлдик. Яқин кунларда бутунлай қириб ташлашади», деган гапларни кейинги кунларда тез-тез такрорлашмоқда. Кеча ҳам қўпорувчи гуруҳлар бор жойлар вертолётлардан бомбардимон қилинди. Жангарилардан ўлганлар бор.

Қуролли кучларимиз пухта ўйланган режалар асосида аниқ ҳаракат қилишмоқда. Мақсад битта — талофат кўрмай, душманни йўқ қилиш. Сариосиёдан 85-90 км. узоқликдаги террорчилар ўрнашиб олган Ҳамидарача бугунга келиб бутунлай босқинчилардан тозаланди. Тамархуд, Регистон, Кункўрмас ва бошқа қишлоқларда эса разведкачиларимиз синчковлик ва ҳушёрлик билан иш олиб боришмоқда.

Ички халқа тобора қисқаряпти. Пастқам ва террорчилар ўтиши эҳтимоли бўлган йўллар кечаю-кундуз назоратда.

— Уларни ўз кўзимиз билан кўрдик, — дейди сўфиёнлик чўпонлардан бири Абдумўмин Ботиров. — Кечқурун Зевар тоғи ёнбағридаги отаримизга тўсатдан уч киши келди. Сочлари ўсиб кетган. Турмакланган. Узун соқоллари бор. Форсча, яна биз билмайдиган аллақандай тилларда гаплашишди. Орадан бир неча фурсат ўтгач, улар 21 киши бўлишди. Қуролланган. Яна аллақандай юклари ҳам бор эди. Дастлаб бизга дағдаға қилишди. Сўнгра хўжалик қўйидан биттасини бўғизлашди.

— Нотаниш кишилар бизни қаттиқ назорат қила бошлади, — дея гапга қўшилди Олимжон Маҳмудов. — Эртаси куни тонгда ун, туз, қовурилган гўшт ва қозон-товоқларни учта эшагимизга ортиб тоққа йўл олишди, бизни ҳам ўзлари билан боришга мажбур қилишди. Энди тоққа чиқувдикки, устимиздан вертолёт айлана бошлади. Улар таҳликага тушишди. Шунда улардан бири бизни қўйиб юборишни таклиф қилди. Ҳеч нарсага ақлимиз етмасди. Биз тушунмаган тилда гаплашишди ва қозон-товоқларимизни йўлга ташлаб кетмасликни бир неча марта уқтириб бизга рухсат беришди. Жангари-террорчиларнинг ўлигини сўнгра телевизорда кўрдик. Худога шукрки, уларнинг асосий қисми йўқ қилинди.

— Ҳар биримиз ҳар доим огоҳ бўлайлик, — дейди Эркин маҳалласи фуқаролар йиғини раиси 73 ёшли Тоғаймурод Нормуродов. — Бепарво ва лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Шундагина ҳеч қандай куч бизни енга олмайди.

Жангчиларимизнинг кайфияти аъло. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ашула ва рақс ансамбли ҳамда «Фаёз» гуруҳи ҳарбийларимизга ўз концерт дастурларини намойиш этишди.

Аҳоли осуда ҳаёт кечирмоқда. Ҳарбийларимиздан ва аҳолидан қурбонлар йўқ.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**




Тургунбек МАҲКАМОВ олган сурат

## ЎЗБЕКИСТОН СЎЗИ

*Ўзбегим, Ўзбеклар! Ўз ўзига Бек,*
*Ўз элида беклар, эшитинг сўзим.*
*Биламан, аслингиз, — ўз сўзига Бек,*
*Сиз менинг юрагим, сиз менинг Ўзим!*
*Сиз оломон эмас — аждодлар гувоҳ,*
*«Овисто» гувоҳдир — илоҳий достон.*
*Сиз нонкўрлар эмас, сиз эмас гумроҳ,*
*Сиз подшоҳсиз, сиз хон, сиз хоқон, султон.*
*Ўз она тилингиз муқаддас сизга,*
*Сиз унда битгансиз не гўзал китоб.*
*Болта урмагансиз илдизингизга,*
*Эзгу Сўз ва Амал — сиз учун офтоб.*
*Ғанимлар олдида тиз чўкмагансиз,*
*Гарчи кажрафтордир бу дунёи дун.*
*Сотқин Яловочлар, у сиз эмассиз,*
*Миллат ори — Темур, сиз — Жалолиддин.*
*Самарқанд, Бухоро, Хивани қурган*
*Сиз аҳли ҳунарманд — тож жарангиси.*
*Бахту фароғатин меҳнатда кўрган*
*Сиз донишманд деҳқон — замин тангриси.*
*Ҳа-ҳа, сиз ўзингиз каломи билан*
*Башар шарафини шараф этгувчи.*
*Илму ҳақ, ҳақиқат, амоли билан*
*Дунёни камолот сари элтгувчи!*
*Абадий бағрини сиз учун очган*
*Мен ким? Мен — Ҳаётман — фидойи бир жон,*
*Яъни Озодликнинг сўзини сочган —*
*Ота маконингиз — Ҳур Ўзбекистон!*

**Азим СУЮН**

## ТЕРРОРЧИЛАРГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманлари ҳудудидаги баланд тоғликларда ўрнашиб олишга уринган халқаро террорчилар гуруҳига қақшатқич зарба берилиб, асосий қисми йўқ қилинди. Жанг майдонидан, пана-пастқам ғорликлардан ер тишлаган босқинчиларнинг мурдалари топилмоқда. Республика прокуратураси, Ҳарбий прокуратура, Сурхондарё вилоят прокуратураси томонидан тузилган махсус тергов гуруҳи Ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизмати идоралари билан ҳамкорликда мурдаларнинг шахсини, улар содир этган жиноят таркибини аниқлаш бўйича тергов ҳаракатларини давом эттирмоқда.

Биз Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, республика ҳарбий прокурори, адлия полковниги Баҳодир Деҳқоновдан ана шу тергов жараёнларининг дастлабки натижалари ҳақида сўрадик.

**— Ватанимизнинг жанубий сарҳадларига ёвуз ният билан суқилиб кирган халқаро террорчиларга қарши қўзғатилган жиноий иш бўйича тергов ҳаракатлари қандай кетмоқда?**

— Аввало, шуни айтиш керакки, Ватанимиз хавфсизлигига, халқимизнинг тинч ҳаётига тажовуз қилмоқчи бўлган бу босқинчи тўда аъзоларига қарши Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 155-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган. Бу модда терроризм, яъни Ўзбекистон Республикасида вазиятни беқарорлаштириш, халқаро муносабатларни чигаллаштириш, уруш чиқариш мақсадида иғвогарлик, одам ўлдириш, зўрлик ишлатиш, мол-мулкни босиб олиш ва ушлаб туриш каби бир қанча жиноий хатти-ҳаракатларни назарда тутади.

Террорчилик бутун дунёда энг оғир жиноят турларидан бири деб ҳисобланади. Бундай жиноятни содир этган кимсаларга нисбатан барча мамлакатларнинг қонунчилигида қаттиқ жазо чоралари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида бундай жиноят содир этганлиги учун узоқ муддатли қамоқ жазосидан олий жазо — ўлимга маҳкум этишга қадар жазо қўллаш назарда тутилган.

Шу кунларда махсус тергов гуруҳи бевосита жанг бўлиб ўтган жойларда террорчиларнинг жиноий ҳаракатларини атрофлича ўрганмоқда. Тоғу тошда жасадлари топилган босқинчиларнинг шахсини аниқлаш бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда.

Мурдалар кўздан кечирилганда, шу нарса маълум бўлдики, уларнинг аксарияти ўқ тегиши ва портлашлар натижасида парчаланиб кетган. Кийим-бошлари, ёнидаги буюмлари ҳам асосан ёниб кетган. Бу ҳолат эса уларнинг шахсини аниқлашда замонавий экспертиза усулларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда.

Шу ўринда босқинчиларнинг мурдалари ёнидан кўплаб шприцлар топилганига ҳам эътибор қаратиш зарур. Ҳозир ана шу шприцлар махсус лаборатория текширувларидан ўтказилмоқда. Дастлабки натижаларга кўра, бу шприцлар гиёҳвандлик моддаларини қабул қилиш учун ишлатилган. Бу эса террорчиларни асосан гиёҳванд, банги кимсалар бўлган, деб аташга асос беради. Маълумки, террорчилик бор жойда гиёҳвандлик, наркотик моддалар контрабандаси албатта авж олади. Бу икки ёвуз иллат бугунги кунда бирлашиб кетаётганини мана шундан ҳам билса бўлади.

Жиноятчилар қувиб чиқарилган ва яксон қилинган ғорлардан кўплаб замонавий автоматлар, пулемётлар, гранатамётлар ҳамда минглаб автомат ва милтиқ ўқлари, кечаси нишонга олиш мосламалари, дурбинлар топилди.

Текшириш чоғида шу нарса аниқландики, бу террорчилар тоғдаги дараларда катта-катта ўқ-дори, қурол-аслаҳа омборларига ҳам эга бўлган. Ҳарбий амалиётлар пайтида улар портлатиб юборилди. Ҳозир воқеа жойида бу омборларнинг қолдиқларини текшириш давом этмоқда. Уларнинг натижалари ҳақида кейин маълумот берилади.

**— Халқаро ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида террорчиларнинг турли миллатга мансублиги ҳақида фикрлар айтилмоқда. Тергов ҳаракатлари жараёнида бу борада бирон-бир маълумот аниқландими?**

— Ҳа, бу ёвуз тўда аъзоларининг турли миллатга мансублиги тасдиқланмоқда. Лекин аслида, бутун дунёда қабул қилинганидек, террорчининг миллати бўлмайди. У ўз номи билан террорчи.

Тергов ҳаракатлари жараёнида террорчиларнинг ички ва устки кийимлари ҳам бир хил экани аниқланди. Бу уларнинг ҳаммаси махсус тайёргарликдан ўтганини, махсус кўрсатмалар бўйича яшаган ва ҳаракат қилганини, бинобарин, уюшган жиноий гуруҳга мансублигини кўрсатади.

Боя айтганимдек, террорчиларга қарши олиб борилган ҳарбий амалиётлар натижасида уларнинг аксарияти ер билан яксон қилинди. Халқимизнинг тинч ҳаётига раҳна солмоқчи бўлган қора ниятли кимсалар мана шундай жазо топиши муқаррар. Тинч меҳнат билан яшаётган халққа қўл кўтарган, элнинг тавқи лаънатига учраган кимсаларнинг қисмати мана шундай аянчли бўлади. Уларга нисбатан ҳеч қачон шафқат қилинмайди. Мамлакатимизга кўз олайтирмоқчи бўлган, халқимизнинг тинчлигини бузмоқчи бўлган ҳар қандай тажовузкор шуни яхши билиб қўйсинки, Ватанимизга, муқаддас тупроғимизга ёвуз ният билан қадам қўйган кимсалар албатта яксон этилади, йўқ қилинади, кули кўкка совирилади.

■ **(ЎзА)**

# «БУХОРОТЕКС»

## ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



9

*Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллик байрами билан бутун Ўзбекистон халқини, пахтакор деҳқонларимизни, барча ҳамкасбларни муборакбод этади. Иқтисодий ислоҳотларни оғишмай амалга оширишда, юртимиз фаровонлигини таъминлашда ғайрат шижоат тилайди. Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, Истиқлол йилларида юртимизда тўқимачилик саноати барқ уриб ривожланди. Янги-янги цехлар, хорижликлар билан қўшма корхоналар ташкил этилди. Импорт ўрнини босувчи кўплаб маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Хусусан, бизнинг корхонамиз мамлакатимиздаги турдош жамоалар ўртасида етакчи ўринга кўтарилиб олди. Айни пайтда бизнинг маҳсулотларимизга бўлган талаб наинки ўз Ватанимизда, балки хорижий юртларда ҳам ошиб бормоқда. Буларнинг барчаси Истиқлолимиз шарофатидир.*

## МУҲТАРАМ ВА АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

**Сиз азизларни «Соғлом авлод йили»да улуғ байрам билан табриклар эканмиз ҳаммангизга тинчлик, осойишталик, бахт-саодат ва фаровонлик тилаймиз.**



## «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА


**БОШ МУҲАРРИР**

Азим СУЮН

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

*Абдулла ОРИПОВ*
*Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ*
*Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ*
*Ислом ШОҒУЛОМОВ*
*Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)*
*Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)*
*Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)*
*Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)*
*Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)*

**МУАССИС:**

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**БЎЛИМЛАР:**

*Сиёсат ва ҳуқуқ — 133-44-55*
*Иқтисодиёт — 133-76-04*
*Маънавият — 133-07-20*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16*
*Ахборот — 133-12-56*
*Котибият — 133-21-43*
*Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,*
*Факс — 133-73-43, 133-06-83*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**

*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 222-70-12;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 136-53-16;*
*Урганчда — 226-51-35;*
*Фарғонада — 26-46-84;*
*Қаршида — 4-61-35;*
*Термизда — 3-79-98.*

**МАНЗИЛИМИЗ:**

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Абдумалик БОБОЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи
*Бахтиёр Жуманов*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
*Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
*Ҳажми 2 босма табоқ.*

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 702

*Топшириш вақти -- 21.00.*
*Топширилди* -- 23.00
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА